



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ,
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

2024

9
ОЙЛИК

Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2024 йилнинг 9 ойи учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2024 йил 24 декабрь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллуқли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
мурожаат қилиш
мумкин?

О.О. Тожиддинов

Валютани тартибга солиши ва тўлов баланси
департаменти директори

(+998) 71 212-60-38

o.tojiddinov@cbu.uz

Ш.Х. Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринbosari

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.


ҚИСҚАЧА ШАРХ

2024 йилнинг 9 ойида жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоизга қисқариб, 3,4 млрд доллар ёки ЯИМга нисбатан **4,3 фоизни** ташкил қилди. Бунга савдо баланси манфий сальдоси ўсиш суръатининг ўтган йилдагига нисбатан пастроқ шаклланиши билан бирга мамлакатга халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайиши таъсир кўрсатди.

Жумладан, жорий йилнинг 9 ои давомида халқаро бозорларда хомашё нархларининг ўзгариши¹ ҳамда норезидентларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг кўпайиши натижасида, **экспорт** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4 фоизга** ўсиб, **19,1 млрд** долларни ташкил қилди.

Мазкур даврда **импорт** ҳажми ўтган йилларга нисбатан пастроқ суръатларда ўсиб (**5,5 фоиз**), **31,4 млрд** долларга етди. Бу мамлакатда инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши шароитида хориждан энергоресурслар, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилишига қарамасдан, 2023 йилда айрим турдаги товарларнинг бир марталик йирик импорти ҳисобига юқори база шаклланганлиги билан изоҳланади.

Жорий операциялар ҳисоби компонентлари
ЯИМга нисбатан фоизда



¹ Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг хомашё товарлари нархларига оид маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида олтиннинг ўртача нархи ўтган йилнинг мос давридаги ўртача нархга нисбатан 19 фоизга, кумуш нархи 16 фоизга, мис нархи 6 фоизга ҳамда уран нархи 62 фоизга ўсган.


Натижада, 2024 йилнинг 9 ойида **савдо балансининг** манфий сальдоси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 фоизга қўпайиб, **12,4 млрд долларни ташкил қилди.**

Ўз навбатида, **бирламчи ва иккиламчи даромадлар баланси** мусбат сальдо билан шаклланиб, мос равишда **973 млн доллар ва 8 млрд долларни ташкил** этган ҳолда савдо баланси тақчиллигини қисман қоплади.

Меҳнат миграцияси географиясининг диверсификацияси ҳамда меҳнат муҳожирлари ишлайдиган анъанавий мамлакатларда иш ҳақи миқдорининг кўпайиши бирламчи ва иккиламчи даромадлар компонентлари бўйича тушумларнинг шаклланишини рағбатлантирган бўлса, норезидентларнинг инвестиция даромадлари ошиши харажатларни кўпайтирувчи омиллардан бўлди.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги молиявий ҳисоб бўйича капитал тушумлар, хусусан, тўғридан-тўғри, портфель инвестициялар ва бошқа манбалар жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, 2024 йилнинг 9 ои давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши²** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 фоизга ўсиб, қарийб 1,9 млрд долларга тенг бўлди.



² Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.

Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши 1,7 млрд долларни ташкил қилиб, асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига шаклланди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2024 йилнинг 9 ойи якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси **3,9 млрд** долларни ташкил этди.

Ҳисобот даврида **халқаро захира активларининг** хорижий валютадаги қисми 678 млн долларга қисқариши кузатилди. Бироқ, олтин жаҳон нархининг юқори суръатларда ўсиши натижасида халқаро захиралар қолдиги жорий йил бошига нисбатан қарийб 6,6 млрд долларга кўпайиб, 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **41,1 млрд** долларни ташкил қилди.

2024 йилнинг 9 ойи якунига кўра, тўлов балансида акс этган амалиётлар ва нооперациявий ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** жорий йил бошига нисбатан **29 фоизга** мустаҳкамланиб, 2024 йил 1 октябрь ҳолатига **16,3 млрд** долларга етди.

Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 10,8 млрд долларга (*жорий йилнинг бошига нисбатан ўсиш 13 фоиз*) ошган бўлса, ташқи мажбуриятлари ҳажми 7,1 млрд долларга (*ўсиш 10 фоиз*) кўпайди.

Ҳисобот даври якунига кўра, **умумий ташқи қарз ҳажми 60,2 млрд** долларни ташкил қилиб, шундан давлат ташқи қарзи ҳажми қарийб 32,5 млрд доллар³ ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 27,7 млрд долларга тенг бўлди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириши доирасидаги ҳамкорлик учун төгишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қиласди.

³ ХВЖнинг ТБҚ 6-сон кўлланмасига мувофиқ давлат ташқи қарзи қолдиги ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

2025 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг 2025 йил учун **асосий ва муқобил** сценарийларда **дастлабки прогноз** кўрсаткичлари шакллантирилди. Бунда жорий ва кейинги йиллардаги мамлакатимиз ва унинг асосий савдо ҳамкорларидаги иқтисодий фаоллик даражаси, халқаро молия ва товар-хомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси, ташқи савдо ва логистика соҳаларидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича экспертларнинг кутилма ва баҳолашлари инобатга олинди⁴.

I. Асосий сценарий

Келгуси йилда Ўзбекистонинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг бироз секинлашиши прогноз қилинмоқда⁵. Хусусан, Халқаро валюта жамғармасига кўра, 2025 йилда Хитой иқтисодиёти 4,5 фоизга (2024 й. 4,8%), Россия 1,3 фоизга (2024 й. 3,6%), Туркия 2,7 фоизга (2024 й. 3,6%) ва Қозоғистон 4,6 фоизга (2024 й. 3,5%) ўсиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон нархлари бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, глобал геосиёсий вазият ва иқтисодий ноаниқликлар фонида кейинги йил давомида рангли ва рангиз металлар (олтин, кумуш, мис, уран) нархи кескин ўзгаришларсиз нисбатан юқори даражада шаклланиши, пахта (*тўқимачилик соҳаси асосий хомашёси*) нархи 2024 йилдаги пасайишдан сўнг ялпи таклиф камайиши ортидан бироз кўтарилиши таҳмин қилинмоқда⁶.

Юқорида келтирилган омиллар таъсирида, шунингдек, 2025 йилда туризм ва ахборот технологиялари (IT) соҳасида кенг кўламли ислоҳотларнинг давом этирилиши натижасида, **жами экспорт ҳажми** 2024 йилга нисбатан 9-11 фоизга ўсиши кутилмоқда.

⁴ 2025 йил давомида ички ва ташқи омилларнинг ривожланишини ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, прогноз кўрсаткичлар қайта кўриб чиқиб борилади.

⁵ Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ, 2024 й. октябрь.

⁶ Хомашё бозорлари истиқболлари, Жаҳон банки, 2024 й. октябрь.

Кейинги йилда мамлакатимизда иқтисодий фаоллик ва истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши (2025 йилда реал ЯИМ ўсиши бўйича прогноз 5,5-6 фоиз⁷) машина-ускуна, транспорт воситалари, ёқилғи-энергетика маҳсулотлари, озиқ-овқат ва хомашё импорти ўсишида намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, Хукуматнинг фискал тақчилликни камайтириш (фискал консолидация) бўйича режаларини инобатга олиб, 2025 йилда **жами импорт ҳажми** 2024 йилга нисбатан 8-10 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Жорий йил давомида меҳнат миграцияси йўналишида кузатилган ижобий тенденциялар, хусусан муҳожирларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий фаоллик ва иш ҳақларининг ошиши ҳамда миграция географияси таркибида юқори даромадли мамлакатлар улушининг ортиши келгуси йилда ҳам давом этиши Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг 10-12 фоизга ошишини таъминлаши кутилмоқда.

Глобал молиявий шароитларнинг босқичма-босқич юмшатиб борилиши натижасида фоиз ставкаларининг пасайиши (жорий йил бошидан SOFR ставкаси камайиши ўртacha 0,7 фоиз банд) норезидентлардан сузувчан фоиз ставкаларда жалб қилинган кредитлар ва қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартиради.

2025 йилда савдо баланси манфий сальдосини қоплашга хизмат қилувчи **бирламчи ва иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдоси 2024 йилга нисбатан 8-10 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда.

Дастлабки таҳлилларга кўра, юқоридаги омиллар таъсирида 2025 йил якуни билан тўлов баланси **жорий операциялари ҳисобининг** манфий сальдоси ЯИМнинг 5-6,5 фоизи атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

2025 йилда жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан хорижий **тўғридан-тўғри инвестицияларнинг** соф киритилиши (энергетика, тоз-кон, машинасозлик, кимё саноати, тўқимачилик, банк-молия ва бошқа соҳаларга киритилиши кутилаётган сармоялар ҳисобига ўртacha 2022-2024 йиллар даражасида бўлиши), **портфель инвестициялар** (халқаро капитал бозорларида янги евробонdlар жойлаштирилиши) ва **ташқи қарз маблағлари** жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилиши кутилмоқда.

⁷ Пул-кредит сиёсатининг 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2024 йил.

II. Муқобил сценарий

Асосий сценарийдан фарқли ўлароқ, муқобил сценарийда 2025 йил якуни билан тўлов балансининг **жорий операциялари ҳисоби ЯИМнинг 6,5-8 фоизига тенг манфий сальдо** билан шаклланиши тахмин қилинмоқда.

Муқобил сценарийда, тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига қуйидаги **омиллар** таъсир қилиши мумкин:

1. Геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши ва ташқи савдода фрагментация жараёнларининг кучайиши оқибатида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий фаолликнинг кутилмаларга нисбатан паст даражада бўлиши ва ялпи талабнинг қисқариши;

2. Халқаро бозорларда Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари (рангли ва рангиз металлар, пахта хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари) нархларининг пасайиши;

3. Глобал инфляцион жараёнлар кучайиши фонида пул-кредит шароитларининг қатъий даражада сақланиб қолиши натижасида ташқи қарз маблағларига хизмат кўрсатиш харажатларининг ортиши ва хорижий инвестициялар оқимининг камайиши;

4. Санкцияларнинг кучайтирилиши оқибатида меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи анъанавий мамлакатларнинг валюта курсларидаги юқори тебранишларнинг кузатилиши ва тўлов тизимларидаги узилишлар ортидан трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг камайиши;

5. Якуний истеъмол харажатлари қўпайиши ва инвестициявий фаолликнинг жадаллашиши натижасида ялпи талабнинг ошиши машинаускуна ва транспорт воситалари (*давлат ва хусусий инвестиция дастурлари доирасидаги йирик ҳажмдаги товарлар*), энергоресурслар ва бошқа хомашёлар импорти ўсишида ўз аксини топиши мумкин.

1-илова. 2022-2024 йилларнинг 9 ойи учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2022 йил 9 ой	2023 йил 9 ой	2024 йил 9 ой
A. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-1 454,0	-4 159,1	-3 448,4
Товарлар, кредит (экспорт)	12 111,2	14 270,0	14 269,3
Товарлар, дебет (импорт)	20 093,9	23 938,1	24 073,3
Хизматлар, кредит (экспорт)	3 058,2	4 046,2	4 780,8
Хизматлар, дебет (импорт)	5 324,1	5 852,2	7 361,0
<i>Жами экспорт</i>	<i>15 169,5</i>	<i>18 316,2</i>	<i>19 050,1</i>
<i>Жами импорт</i>	<i>25 418,0</i>	<i>29 790,3</i>	<i>31 434,3</i>
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	<i>-10 248,6</i>	<i>-11 474,1</i>	<i>-12 384,3</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	3 193,5	4 061,0	4 409,2
Бирламчи даромадлар, дебет	2 344,7	3 034,3	3 436,3
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-9 399,7</i>	<i>-10 447,5</i>	<i>-11 411,3</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	8 595,0	6 957,2	8 765,7
Иккиламчи даромадлар, дебет	649,3	668,8	802,7
B. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)	11,6	7,9	6,0
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	11,6	7,9	6,0
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-1 442,5</i>	<i>-4 151,1</i>	<i>-3 442,4</i>
C. Молиявий ҳисоб	1 100,2	-1 923,1	-3 277,2
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	3,3	11,1	13,9
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	1 753,1	1 757,7	1 876,5
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,2	0,3
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,2	0,3
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	29,6	131,1	1 703,7
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	17,2	16,0	-7,0
Қарз инструментлари	12,3	115,1	1 710,7

Кўрсаткичлар	2022 йил 9 ой	2023 йил 9 ой	2024 йил 9 ой
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)	8,7	1,6	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-8,7	-1,6	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	9 857,2	3 785,2	4 597,1
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,4	0,4	5,0
Қарз инструментлари	9 856,8	3 784,8	4 592,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	3 391,3	-781,9	857,8
Давлат бошқарув сектори	-15,3	-13,9	-9,8
Бошқа секторлар	6 480,8	4 580,6	3 744,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	6 480,8	4 580,6	3 744,0
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	6 986,5	3 832,3	4 308,3
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
МҚҲ тақсимланиши	2,8	2,2	-0,7
Қарз инструментлари	6 983,7	3 830,1	4 308,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	3 730,0	874,4	197,0
Давлат бошқарув сектори	671,4	1 113,0	2 377,5
Бошқа секторлар	2 582,3	1 842,7	1 734,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	21,3	21,1	6,3
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 561,1	1 821,6	1 728,2
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	1 115,8	-2 434,2	-420,1
E. Умумий баланс	1 426,9	4 662,3	585,3
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	-1 426,9	-4 662,3	-585,3
Захира активлари	-1 426,2	-4 692,6	-677,5
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	0,6	-30,4	-92,3
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

**2-илова. 2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг 9 ойи учун
халқаро инвестициявий мавқе**

Кўрсаткичлар	(млн доллар)		
	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.	01.10.2024 й.
Активлар	82 293,7	84 883,5	95 653,3
Тўғридан-тўғри инвестициялар	202,0	209,9	223,4
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	31,6	37,1	48,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	31,6	37,1	48,7
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	170,3	172,8	174,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	167,9	170,4	172,2
Портфель инвестициялар	2,5	2,9	3,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,9	3,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,8	2,1
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Хосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.10.2024й.
Бошқа инвестициялар	46 321,6	50 106,0	54 287,7
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,6	2,0	7,0
Қарз инструментлари	46 320,0	50 104,0	54 280,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	4 556,9	3 242,7	4 104,6
Давлат бошқаруви сектори	3,7	4,8	5,3
Бошқа секторлар	41 759,4	46 856,4	50 170,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	35 767,5	34 564,6	41 139,1
Монетар олтин	23 064,8	24 632,2	31 860,3
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	1 057,3	563,0	569,2
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	11 645,4	9 369,5	8 709,6
Мажбуриятлар	63 337,5	72 278,5	79 334,6
Тўғридан-тўғри инвестициялар	13 844,7	14 866,9	15 856,7
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 363,5	11 356,8	11 670,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 363,5	11 356,8	11 670,8
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	2 481,2	3 510,1	4 185,9
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестиациялари	2 250,3	3 217,4	3 845,2
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	230,9	292,7	340,7
Портфель инвестициялар	4 192,3	5 295,5	7 139,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	105,8	123,7	113,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	48,4	57,5	72,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.10.2024й.
Бошқа секторлар	57,4	66,3	41,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,3	1,7	1,3
Қарз қимматли қоғозлари	4 086,5	5 171,8	7 025,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	893,9	1 027,7	1 927,3
Давлат бошқаруви сектори	2 375,2	3 284,9	4 175,0
Бошқа секторлар	817,3	859,2	923,6
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	2,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	45 298,6	52 116,1	56 338,3
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг маҳсус ҳукуклари (мажбуриятларни соғ қабул қилиш)	1 057,6	1 068,8	1 079,8
Бошқа қарз инструментлари	44 241,0	51 047,3	55 258,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	10 439,6	11 316,6	11 493,4
Давлат бошқаруви сектори	18 007,8	21 353,4	23 623,3
Бошқа секторлар	15 793,6	18 377,4	20 141,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	105,1	114,1	119,5
Соф халқаро инвестициявий мавқе	18 956,1	12 605,0	16 318,7